

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

СТРАТЕГИЯ – АМАЛДА

Ўзбекистонда ҳар бир урилган чек ҳақидаги ахборотни солиқ органларига жўнатувчи назорат-касса машиналарига (онлайн-НКМ) ўтилади. 2018 йилдан Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида янги намунадаги НКМлар қўлланила бошлайди. Республиканинг қолган ҳудудларида ҳам бу тизим босқичма-босқич жорий қилинади. Бу Президентнинг 18.07.2017 йилдаги ПФ-5116-сон Фармонида назарда тутилган.



Касса аппарати қўллашдаги инқилобий ўзгаришлар – давлат ва бизнес фойдасига

Онлайн-НКМ нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат бўйича янги тизимнинг таркибий қисми бўлади. Амалдаги тизим товарлар, хизматларни реализация қилишдан нақд пул тушумининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлай олмапти. Унда НКМни қўллашда чеклар ва назорат-касса дафтарлари билан боғлиқ фирбгарликлар истисно этилмайди, бу эса ноинсоф солиқ тўловчиларга ўз даромадларини камайтириб кўрсатиш имкониятини беради. Бу нафақат бюджетга, балки тенг бўлмаган шароитларда рақобат қилишлари тўғрисида келадиган қонунга итоаткор тадбиркорларга ҳам зарар келтиради.

Халқаро тажриба кўрсатганидек, **онлайн-технологияларнинг жорий этилиши** қуйидагиларни таъминлайди:

- **солиқларнинг йиғилувчанлигини оширади.** Урилган чеклар реализацияни яширишни имконсиз қилиб қўяди – НКМ орқали ўтказилган сотиш ҳақидаги ахборот албатта солиқ хизматининг маълумотлар базасига бориб тушади. Бу «яширинча» бизнес юритишга тўсқинлик қилади. Жанубий Кореяда бундай технология давлат бюджетига савдо ва хизматлар соҳасидан тушумларни 2,5 барабар оширди;
- **солиқ тўловчининг ҳузурига бориш орқали назорат юритиш заруратини камайтиради.** Савдо ва сервис корхоналарини онлайн-режимда назорат қилиш мумкин бўлади. Савдо маълумотларининг хатар таҳлили асосида жойга бориб текширишни манзилли ўтказиш имконияти юзага келади;
- **янада адолатли рақобат муҳитини яратади.** Бозор иштирокчилари тенг шароитларда бўладилар ва яширинча савдо қила олмайдилар;

- **давлат учун ҳам, бизнес учун ҳам зарур ҳисобланган талаб ва таклиф ҳақида катта миқёсда ахборот олинади.** Онлайн-НКМга ўтиш – назорат-касса техникасини қўллашда навбатдаги ўзгариш бўлибгина қолмайди. Бу савдо ва хизматлар соҳаси субъектларининг солиқ маъмуриятчилигидаги янги бурилиши бўлади. Унда қуйидагилар талаб этилади:
- НКМларни оммавий равишда янгиларига алмаштириш ёки уларни модернизация қилиш. Аппаратларга кетадиган харажатларнинг ўзи юз миллиардлаб сўмини ташкил қилади;
- мобил алоқанинг янада ишончли воситаларини топиш;

- катта ҳажмдаги маълумотларни узатиш, таҳлил қилиш ва сақлаш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, серверларни харид қилиш;
 - касса техникасини қўловчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг барчасини қайта ўқитиш.
- Бундай катта миқёсдаги янгиланган намунадаги янгиликларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик керак. Бу жараёнда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, дастурий тизимлар ва маҳсулотларни яратиш ва синаб кўриш, онлайн-НКМ ёки мавжуд касса техникасини модернизация қилиш учун мосламаларни рақобат асосида етказиб беришни таъминлаш лозим бўлади.
- Пировардида, бизнесга зарар келтирмаган ҳолда **онлайн-НКМни**



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Истеъмолчилар газ ва электр тармоқларидан қайси ҳолларда узиб қўйилади

Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2017 йилдаги 484-сон қарори билан истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш механизми белгиланди («СБХ»нинг 1.08.2017 йилдаги 31 (1199)-сонида чоп этилган).

Истеъмолчилар қуйидаги ҳолатларда электр ва газ тармоқларидан **узиб қўйилади**:

- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, шу жумладан ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун қарздорлик мавжуд бўлганда;
- Мажбурий ижро бюроси талабноналарини ижро этилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборларига кўрсаткичларни олиш учун рухсат этилмаганда;
- ноқонуний улашиш, талон-торож

қилиш ёки электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш ҳодаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

➤ ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

Газ беришнинг алоҳида тартиби белгиланган корхоналарни, шунингдек алоҳида хавфли ҳамда электр энергиясининг узиб қўйилиши техноген ва аварияли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, узлуксиз технологик жараёнга эга бўлган саноат корхоналарини тармоқдан узиб қўйиш фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

Энергия ресурсларини етказиб берувчилар томонидан қарзлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг рўйхати шакллантирилади ва ягона электрон идораларо ахборот тизими орқали Бюрога тақдим этилади. Бу ҳар ойнинг

11-санасидан бошлаб ҳар куни амалга оширилади. Кейин Бюро 15 кунлик муддатда қарзларни сўндириш зарурлиги ҳақидаги хабарномани жўнатади.


Кўрсатилган муддат тугагач қарзларни мажбурий ундириш чора-тадбирлари, шу жумладан истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш қўлланилади. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш ҳодаларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, айбдорлар зудлик билан электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилади ҳамда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Узиб қўйиш амалга оширилган электр ва газ тармоқлари нуқталари Бюро ходимлари томонидан назорат пломбалари билан маҳкамланади. **Бунда тармоқдан узиб қўйиш ҳақида 2 нусхада далолатнома тузилади**, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади.

Истеъмолчиларни қайта тармоққа улаш йўли қўйилган энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳодаларини бузишлар бартараф этилганидан, қарзлар тўланганидан ва **қайта улаш учун** қуйидаги миқдорлардаги **тўловлар тўланганидан** кейин амалга оширилади:

- жисмоний шахслар томонидан – ЭКИХнинг 2 баравари;
- юридик шахслар томонидан – ЭКИХнинг 10 баравари.

Авария ҳолатларида, истеъмолчиларнинг аризасига кўра тармоқдан узиб қўйилганда, шунингдек электр энергияси ва газ тармоқларидан узиб қўйилган, шунингдек электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимларига уланган истеъмолчилардан электр ва газ тармоқларига қайта улаш учун **тўлов ундирилмайди**.



Ушбу сонда:

5-БЕТ

Квартирамни юридик шахсга ижарага бермоқчиман

7-БЕТ

Корхона жисмоний шахсдан ёғоч харид қилмоқчи

8-БЕТ

Кадрлар бўлими: ишдан бўшатиш, янги ишга кириш, компенсация тўлаш масалалари

ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома қандай олинади

Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2017 йилдаги 489-сон қарори билан ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Маълумот учун: ХИТ дафтарчаси — халқаро божхона ҳужжати бўлиб, ХИТ Конвенциясига (Женева, 14.11.1975 йил) мувофиқ давлат божхона хизмати органлари томонидан қўлланилади, юкнинг жўнатиш жойидан келиб тушадиган жойгача бўлган кузатув ҳужжати ҳисобланади.

ХИТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома Давлат божхона кўмитаси томонидан берилади, бунда амал қилиш муддатида ҳеч қандай чекловлар бўлмайдиган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга ХИТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш ҳуқуқини беради.

Рухсатнома олиш ва ариза берувчининг зарур шарт ва талаблари мувофиқлигини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

Давлат божхона кўмитасига:

- тасдиқланган шаклда тузилган ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома олиш учун ариза;
- ЎзР Халқаро автомобиль ташувчилари ассоциа-

цияси (ХАТАС) — Кафолат бирлашмасининг ариза берувчи томонидан ХИТ Конвенциясида белгиланган шарт ва талабларга риоя этилганлигини тасдиқловчи хати;

➤ ҳайдовчилар (Ф.И.О., паспорт серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) ва транспорт воситалари (маркаси, давлат рақами белгиси, ариза берувчидаги фойдаланиш даври кўрсатилган ҳолда) рўйхати;

Кафолат бирлашмасига:

➤ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган, автотранспортларда юкларни халқаро ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

➤ автомобилда юкларни халқаро ташишлар амалга оширилганлигини тасдиқлайдиган, Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция (Женева, 19.05.1956 йил) талабларига мувофиқ 4 товар-транспорт юкхатининг нусхаси;

➤ ариза берувчининг эгаллигида ёки тўлиқ ҳўжалик юритувида асосий фондлар (воситалар) — автотранспорт воситалари, бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар ва Кафолат бирлашмасига мурожаат қилинган кундаги МБ курси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш билан камида 20 минг АҚШ доллариغا эквивалент суммадаги эскиришни ҳисобга олган ҳолда, шундай фондлар (воситалар) сифатида бухгалтерия ҳи-

соби, қолдиқ ёки баланс қийматлари бўйича амалдаги нормативларга мувофиқ ҳисобга олинadиган бошқа мол-мулк мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

➤ ариза берувчи ёки у ваколат берган ходимлар, шунингдек ҳайдовчиларнинг ХИТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни автомобилда халқаро ташишларни ташкил қилиш соҳасидаги касбий билимдонлиги тўғрисида сертификат (гувоҳнома)лар нусхалари.

Ҳужжатлар ДБҚга шахсан олиб келиш ёки почта алоқа воситалари орқали ёхуд электрон шаклда ариза берувчининг ЭРИСИ билан тасдиқлаган ҳолда ва унинг олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан топширилади.

Аризани кўриб чиқиш ва ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома бериш учун йигим ундирилмайди.

ДБҚ ариза қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмайдиган муддат ичида аризани кўриб чиқади ва ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Низомда ХИТ дафтарчасини қўллашга рухсатнома беришни рад этиш, рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳолатлари ҳам белгиланган.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Касса аппаратурини қўллашдаги инқилобий ўзгаришлар — давлат ва бизнес фойдасига

1-бетда қўллашга ўтиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Бунга қуйидагилар орқали эришилади:

- 1) янги технологияларни босқичма-босқич жорий қилиш. Аввал дастурий-техник мажмуалар тажрибадан ўтказилиб, синаб кўрилади. Кейин онлайн-назорат тизимига қуйидаги корхоналар босқичма-босқич киритилади: алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар — 2018 йил 1 апрелдан;
- йирик савдо ва сервис ташкилотлари — 2018 йил 1 июлдан;
- юридик шахслар — кичик бизнес субъектлари — 2019 йил 1 январдан;
- якка тартибдаги тадбиркорлар — 2019 йил 1 июлдан.

Таклиф этилаётган вақтдан олдинроқ ҳам ихтиёрий равишда янги техникани қўллашга ўтишни назарда тутиш керак, чунки у бизнеснинг самарадорлигини оширишда янги имкониятларни яратди;

2) **солиқ юкни камайтириш.** Чакана савдо оборотидаги миллиардлаб сўмларнинг яширин муомаладан чиқиши солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва бюджетга зарар келтирмаган ҳолда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун ЯСТ ставкасини пасайтириш имконини яратди;

3) **қўшимча харажатларни оптималлаштириш,** бизнесда улар янги ускуналарни сотиб олишга ва дастурий маҳсулотларни хариж қилишга сарфланади. Буни уларнинг рақобат бозорини яратиш, мақсадли имтиёзли кредитлар тақдим этиш, ижарага бериш, амалдаги

техникани модернизациялаш ва ҳоказолар ҳисобига таъминлаш мумкин. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун онлайн-НКМни жорий қилишда солиқ чегирмаларини қўллаш ҳам бўлади;

4) **янги НКМларни рўйхатдан ўтказиш жараёнларини енгиллаштириш.** Тадбиркор буни ДСҚ сайтыдаги шахсий кабинети орқали онлайн-режимда амалга ошириши лозим;

5) **ҳужжатлар айланиши ва ҳисобга олинишини соддалаштириш.** Онлайн-НКМ барча маълумотларни солиқ органларига автоматик тарзда юбориши туфайли бухгалтерларнинг иши камаяди. Масалан, ҳар кун З-ҳисоботларни босиб чиқариш ва назорат-касса дафтарларини қўлда тўлдиришга ҳожат қолмайди;

6) **мобил Интернет билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмагунга қадар**

нақд пул тушуми устидан онлайн-назорат жорий қилина олмайдиган аҳоли пунктлари рўйхатини белгилаш.

Агар бу ва шунга ўхшаш чора-тадбирларни амалга оширишга эришилса, ҳатто кичик ва микробизнес ҳам янги ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланиши мумкин бўлади. Тадбиркорлар исталган жойдан туриб савдо соҳобчалари фаолиятини, шу жумладан смартфон ёки планшет ёрдамида назорат қилибгина қолмай, балки ҳар бир харид, кассир, чегирма суммаси, қайтарилган сумма, сменадаги ўртача чек миқдори ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни олишлари мумкин. Сотишлар тўғрисидаги ахборотларнинг ишлов берилган шакли харидларни оптималлаштириш, талабни режалаштириш, маблағлар айланишини тезлаштириш ва рентабелликни ошириш имконини беради.

Жорилла Абдуллаев,
Михаил Перпер,
экспертларимиз.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 1 августдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовотларни юртимиз, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари3270,09	1 Малайзия ринггити958,24
1 Англия фунт5381,17	1 Польша злотийси1130,43
1 Дания кронаси647,09	1 СДР5760,43
1 БАА дирҳами1115,84	1 Туркия лираси1160,82
1 АҚШ доллари4098,37	1 Швейцария франки4232,55
1 Миср фунти229,60	1 ЕВРО4792,82
1 Исландия кронаси39,79	10 Жанубий Корея вонини36,53
1 Канада доллари3287,64	10 Япония иенаси370,69
1 Хитой юани609,75	1 Россия рубли68,83
	1 Украина гривнаси158,14

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	31.07.2017	1	1,7009	1	1,9963	1	0,0285
Арманистон	28.07.2017	1	478,65	1	560,79	1	8,05
Беларусь	31.07.2017	1	1,9396	1	2,2700	100	3,2610
Грузия	31.07.2017	1	2,4009	1	2,8110	100	4,0362
Қозғистон	31.07.2017	1	326,74	1	382,81	1	5,5
Қирғизистон	31.07.2017	1	68,6500	1	80,3617	1	1,1529
Молдова	31.07.2017	1	18,0970	1	21,1852	1	0,3043
Россия	1.08.2017	1	60,0633	1	70,4603	—	—
Тожикистон	31.07.2017	1	8,7991	1	10,3161	1	0,1457
Туркменистон	31.07.2017	1	3,5000	1	4,1118	100	5,8794
Украина	31.07.2017	100	2 591,5589	100	3 039,6394	10	4,3524

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

- **СТРАТЕГИЯ — АМАЛДА**
— Касса аппаратурини қўллашдаги инқилобий ўзгаришлар — давлат ва бизнес фойдасига
1-2-бетлар
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
— Янги ҳужжатларни тақдим этиш
— Пенсиянинг тартиб-тартиб
— Валюталар курси
1-3-бетлар
- **СОЛИҚ МАСЛАХАТЧИСИНING АМАЛИЁТИДАН**
— Бозор баҳсларига барҳам бериладими?
4-бет
- **ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР**
— Чет элликлар учун квота
— Ходимларни четдан жалб этиш
— Уй-жой — фақат яшаш учун
5-бет

- **ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
— Шартномасиз хизматлар кўрсатиш
— Агент билан муносабатларни қандай расмийлаштириш мумкин
— Қонунбузарликка йўл қўймасдан харид қилмоқчимиз
— Асосий воситалар: қўшимча ҳақ тўлаб айирбошлаш
6-7-бетлар
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
— Ишлаб беришдан кетмоқчи
— Ишга ҳам жойлашди, компенсация ҳам олди
— Ишдан бўшайми ёки қисқартиришларини кутайми?
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга беришмаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Пенсионерлик гаштини суринг ёки пенсия ва нафақаларга доир сўнгги ўзгаришлар

Вазирлар Маҳкамасининг 27.06.2017 йилдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 429-сон қарори билан 3 та норматив-меъёрий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларнинг барчаси фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Алоқа ташкилотлари ўрнига бошқа ташкилот

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 19.02.2010 йилдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган) 8-бандига мувофиқ, Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга оширади, ишламайдиган пенсионерларга пенсия ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) юқланган ташкилот (илгари – алоқа ташкилотлари) ва банк-

лар орқали, ишлайдиган пенсионерларга эса – ташкилотлар орқали пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўлаш юзасидан топшириқларни расмийлаштиради ва беради. Бундан ташқари, Жамғарма пенсия ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) юқланган ташкилот (илгари – «O'ZBEKISTON POCHTASI» АЖ) ва тижорат банкларида пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ҳамда бошқа тўловларнинг ўз вақтида тўланиши мониторингини олиб боради.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашдаги жиддий ўзгаришлар

Асосий ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган.

Архив маълумотлари мавжуд бўлмаса...

Иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, иш ҳақи миқдорини аниқлаш 2005 йилдан кейинги давр учун жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек 2015 йилдан кейинги давр учун Жамғармага ўтказил-

ган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқлашга йўл қўйилмайди.

Суғурта бадали тўланмаса...

Ихтиёрий равишда суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқи берилган шахслар Жамғармага суғурта бадалларини тўламаган тақдирда, уларнинг иш ста-

жига қўшиб ҳисобланмаган даврлар меҳнат фаолиятининг охиригى ун йиллик даврига киритилмайди.



Янги турдаги устамалар

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга янги 113-1-банд киритилди. Унга кўра, ушбу Низомнинг 112-банди «и» кичик бандига (Ўзбекистон Республикаси олдидан алоҳида хизматларга эга бўлган шахсларга) асосан пенсияга устама «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон – «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги низомга мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан белгиланади.

Ушбу Низомнинг 112-банди «к» ва «п» кичик бандларида (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган ташкилотларда ишлаган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга, 2-иловада кўрсатилган лавозимларда ва ташкилотларда ишлаган (эркаклар учун

камида 25 йил ва аёллар учун камида 20 йил) театр, концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига, театр ва мусиқа санъатининг ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлган таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибига ва концертмейстерларига) назарда тутилган пенсияга устамалар пенсионер Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сон Фармони қўлланиладиган республика театр-концерт ташкилотларидан ёки театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи таълим муассасаларидан ишдан бўшагандан сўнг пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб белгиланади.

Ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби

Ишламайдиган пенсионерларга пенсия яшаш жойи бўйича Жамғарма бўлимлари томонидан пенсияни етказиб бериш (топшириш) юқлатилган ташкилот ёки пенсионернинг хоҳишига кўра пул маблағларини фуқароларнинг

депозит ҳисобрақамларига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ишончнома орқали пенсия

Пенсия тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ўшбу ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан афостиш қўйилиши лозим, бундан Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шаҳри, 1993 йил 22 январь) иштирокчи давлатлари – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар мустасно.

Бунда ишончнома берган шахс Жамғарма бўлимларидан бирига бир йилда камида бир марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Жамғарма бўлими томонидан пенсионернинг келиши имконияти мавжуд эмаслиги (соғлиги туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан руҳий касаллар учун стационар даволашида бўлиш) тўғрисида маълумотлар олинганда,

Жамғарма бўлимлари ходимлари тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун пенсионер турган жойга чиқишлари мумкин.

Пенсионер хорижий давлатда бўлган ва соғлиги туфайли Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет элдда дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этиб, хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Жамғарма бўлимига хабар бериши шарт.

Ишончнома пенсияни етказиб бериш (топшириш) юқланган ташкилотнинг бўлинмасида сақланади. Бунда пенсияни етказиб бериш (топшириш) юқланган

Эълон

Тошкент шаҳар корхона ва ташкилот раҳбарлари ва бухгалтерлари диққатига!

Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун айрим бандларининг юридик шахслар томонидан бузилиши олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Telegram messenger тармоғида янгиликлар канали очилганини маълум қилади.

Ушбу каналда статистика соҳасидаги ўзгаришлар, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш муддатлари ва статистика органларига тааллуқли бошқа маълумотлар тақдим этилади.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг Telegram янгиликлар каналига www.toshstat.uz сайти орқали кириш мумкин.

Маълумот учун телефон: 230-88-29, 230-88-09.

Саит: www.toshstat.uz

Telegram: +998909823772

Telegram: <https://t.me/joinchat/AAAAEPiHv0uyzb1Aqvpg>

Электрон почта манзили: info@toshstat.uz

Пенсионерлик гаштини суринг

3-бетда ташкилотнинг бўлиниши ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун муддатда Жамғарманинг тегишли бўлимига пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинишининг асосий мухри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт.

Пенсия ўз вақтида олинмаган бўлса...

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида **муружаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган давр** учун тўланади.

Жамғарма бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Бунда ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлار учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос миқдорда тўланади.

Пенсионер вафот этганда

Оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолати ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган маълумотлар асосида белгиланади.

Кўрсатиб ўтилган (пенсионерга берилиши керак бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия суммаси) сумма, унинг учун пенсионер вафот этгандан сўнг **60 кундан** кечикмай муружаат қилинган тақдирда тўланади.

Маълумки, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатлар бундан мустасно) Жамғарма бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан **6 ой аввал** миллий валютамизда тўланади.

6 ой аввал пенсия тўлаш пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали бир марталик ведомост асосида, шунингдек тижорат банкининг филиалида пенсионернинг номига очилган банк ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бошқа муҳим ўзгаришлар

Пенсионер руҳий беморлар учун, **шу жумладан суд қарори бўйича** даволаш муассасаларида бўлган вақт учун пенсия қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича тўланади.

Тайинланган пенсияни тўлаш фуқаро **хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафақа) олганлиги ҳолати аниқланганда** тўхтатилади.

Жамғарма бўлими Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали чет элга ўтказилиши керак бўлган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида тайинланган пенсиялар суммасининг **ўз вақтида жўнатилишини** таъминлайди.

Фаррухжон Файзиев,
хуқуқ магистри.

СОЛИҚ МАСЛАХАТЧИСИНИНГ АМАЛИЁТИДАН



Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари (**МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 20.01.2017 йилда 2854-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, кейинги ўринларда – 2854-сон Минимал миқдорлар**) Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг АВ томонидан 11.07.2017 йилда 2854-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига кўра ўз кучини йўқотди.

Бозор баҳсларига барҳам бериладими?

Фикримизча, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси доирасида Президентимизнинг фармонлари, қарорлари ва топшириқлари асосида олиб борилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада қулай шароитлар яратиш бобидаги ишларнинг ижобий натижаси кўрсаткичларидандир.

Президентнинг 26.04.2010 йилдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сон қарорининг (**кейинги ўринларда – ПҚ-1326-сон қарор**) 4-бандида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар минимал миқдорларини (**кейинги ўринларда – Минимал миқдорлар**) белгилаш кўзда тутилган. Шунга асосан ҳар йили Минимал миқдорлар тасдиқланиб келинар эди. Жумладан, 2017 йил учун Минимал миқдорлар АВ томонидан 20.01.2017 йилда 2854-сон билан рўйхатга олинган қарор билан тасдиқланган эди.

Минимал миқдорлар жадвалида 2012–2013 йилларда «**бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови**», 2014 йилда «**бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов**», 2015–2017 йилларда «**умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар**» учун тўлов деб номланган тўлов тури амалиётда кўплаб тадбиркорларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Бозорлар ҳудудидаги ўзига тегишли объектларда (ер, бино ва ҳ.к.) фаолият юритаётган тадбиркорлар билан бозорлар маъмурияти ўртасидаги «бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови» юзасидан баҳс-мунозараларга бағишланган таҳлилий мақолаларда¹ «**бозор**

инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови» мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият олиб боровчи хўжалик субъектлари учун мажбурий тўлов бўлиб ҳисобланмайди, деган хулоса чиқарилган эди.

Мунозараларга сабаб бўлган тўловнинг номи 2015 йилдан бошлаб «**умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар**» деб алмаштирилиши ва улар бўйича хизматлар кўрсатиладиган объектларнинг санаб ўтилиши масалани ҳал эта олмади, албатта.

2854-сон Минимал миқдорларнинг 3.10-бандига эътибор қаратилса, унда хизматлар ўрнига асосан инфратузилма объектлари санаб ўтилган – асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлақлар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари. Фақатгина «умумий ҳудудни қўриқлаш ва тўзалаш», «маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш»ни хизмат турларига киритиш мумкин.

Бинобарин, тўловнинг номи ўзгартирилиб, аниқ хизматлар турлари ўрнига яна инфратузилма объектларининг санаб ўтилиши хизматларнинг мавҳумлиги, улар учун тўловнинг ҳисоблаш мезони ва асосларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Табиийки, тадбиркорлар ҳам кўрсатилмаган хизмат учун пул тўлашни хоҳламайдилар.

Таъкидлаш жоизки, Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 27.01.2011 йилда 2185-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Минимал миқдорларнинг бозорлар ҳудудида

савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва jisмоний шахсларга татбиқ этилиши белгиланди. Амалда эса минимал миқдорлар, шу жумладан «бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови», кадастр ҳужжатлари билан ер ва бино ўзига тегишли бўлган, фаолият туридан қатъий назар барча тадбиркорларга татбиқ этилди.

Амалиётда мазкур масаладаги мунозараларда айрим судлар тадбиркорнинг фаолият тури савдо эмаслиги ёки бозор маъмурияти билан шартнома тузилмаганлиги сабабли бозор маъмурияти даъвосини рад этса, айримлари худди шундай ҳолат бўйича бозор маъмурияти даъвосини қаноатлантириб келдилар.

Бизнинг солиқ маслаҳати бўйича амалиётимиздан маълум бўлишича, мазкур «бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови» («умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар») аниқ бир хизматни кўзда тутмасдан, фақат бир томонлама талаб қилинувчи тўловга айланб қолганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноати палатаси томонидан тегишли давлат идораларига эътирозлар билдирилган.

Савдо-саноат палатасининг ана шу муружаатлари ҳамда тадбиркорлардан келиб тушган кўплаб шикоятлар ўз таъсирини кўрсатганлиги сабабли 2854-сон Минимал миқдорлар ўз кучини йўқотди дейиш асосли кўринади.

Умид қиламизки, ўз кучини йўқотган ҳужжат ўрнига минимал миқдорларни белгиловчи янги идоравий меъёрий ҳужжат чиққан тақдирда, унда «умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар» бандига ўрин бўлмайди ва бозорлар ҳудудида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуности идоравий ҳужжат билан киритилган асоссиз мажбурий тўлов билан боғлиқ «бош оғриги»га барҳам берилади.

Мурод Муҳаммаджонов,
«Soliq Kalkulyatori»
солиқ маслаҳатчилари
ташкilotи
эксперти.

¹«Бозор баҳслари: инфратузилмадан фойдаланганлик учун ижара тўлови» («СБХ», 25.02.2014 йилдаги 8-сон); «Базарные распри, или об арендной плате за пользование инфраструктурой рынка» («НТВ», 11.03.2014 йилдаги 10-сон); «Бозор баҳслари давом этмоқда» («СБХ», 23.09.2014 йилдаги 38-сон).

МЧЖ хоналарни таъмирлаш ва пардозлаш билан шуғулланади. Ходимларнинг умумий сони – 25 кишигача. Корхона чет эллик мутахассисларни ишга жалб этади. МЧЖ қанча чет эллик ходимларни жалб этиши мумкин, корхонада уларнинг сонини чекловчи норматив ҳужжатлар мавжудми?

М.Торежанова.

Чет элликлар учун квота

– МКнинг 77-моддасида белгиланган ёшга (16 ёш) етган ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари билан тенгма-тенг меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари ҳисобланадилар, яъни тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадирлар (МКнинг 11, 14-моддалари).

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова) чет эл фуқаролари иш билан таъминланиш тартибига солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат саналади.

Меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга келувчи ҳар қандай хорижий фуқаро иш берувчи томонидан олинган рухсатнома асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси бўлгандагина республика ҳудудида ишлаши мумкин.

Хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш учун рухсатнома Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилади.

Эндиликда ҳужжатлар пакетини кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш иш берувчи зарур ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилади.

Агар чет эллик ходим Ўзбекистонда бўлса, қуйидаги визалардан бири: «Е» меҳнат визаси, «В-1», «В-2» амалий визалари ёки «S-3» хизмат визаси мавжуд бўлганда ҳужжатлар қабул қилинади (АВ томонидан 20.11.1996 йилда 285-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 12-банди).

Чет эллик ходимларни қабул қилишга чекловлар белгиланмаган. Улар корхона кичик тадбиркорлик субъектларида киритиш мезони саналувчи ходимларнинг ўртача ойлик рўйхатдаги сонини ҳисоблашда инобатга олинади (Таснифлагич, ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова).

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.



Ходимларни четдан жалб этиш

МЧЖнинг асосий фаолият тури – қурилиш. Ягона солиқ тўловини тўлаймиз. Кичик тадбиркорлик субъектларида қирувчи ташкилотлар таснифлагичига кўра ходимларимиз сони 50 кишидан ошмайди. Бироқ механизаторлар билан таъминланмаган транспорт воситалари ва механизмлар балансимида қолмоқда. Ўз мақомимиз ва солиқ турини алмаштиришни истamayмиз, ходимлар сонини ошира олмаймиз.


МЧЖ ишчи кучини тақдим этиш хизматларини кўрсатиш ҳақида бошқа МЧЖ билан шартнома тузишга ҳақлими?

И.Норов.

– Хорижий давлатлар амалиётида «аутстафтинг шартномаси» (ингл. out – «ташқаридаги» + ингл. staff – «ходимлар») деган тушунча мавжуд, унга биноан бир корхона бошқасининг ишчи кучидан фойдаланади.

Ўзбекистон қонун ҳужжатларида ишчи кучини тақдим этиш хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома

тузиш тартибга солинмаган. Бироқ шартнома тузиш эркинлиги принциpidан фойдаланиб (ФКнинг 354-моддаси), аутстафтинг шартномасини тузишга ҳақлисиз. Уни тузиш чоғида корхонангиз бошқа корхона ходимлари билан меҳнат муносабатларига киришмаётганлигини ҳисобга олиш зарур. Чунончи, улар иш ҳақи, меҳнатга



¹Бундай шартномани тузиш масалалари ФК нормалари билан тартибга солинган.

²Қайси вариантга тўхталганингизга қараб.

Уй-жой – фақат яшаш учун

Жисмоний шахс уй-жойга эга бўлиб (пропискадан ўтказилган фуқаролар йўқ), УЖКнинг 23-моддасига асосан уни ижарага бермоқчи.

Ўқув машғулотларини ташкил этиш ва консалтинг хизматларини кўрсатиш учун ушбу уй-жойни ёки унинг бир қисmini 1 йилгача муддатга ижарага олишдан манфаатдор бўлгуси ижарага олувчи – юридик шахс бор.

Жисмоний шахс уй-жойни ёки унинг бир қисmini ижарага бериш шартномасини оддий ёзма шаклда тузиш шарти билан юридик шахсга ижарага бериши мумкинми?

Х.Орипов.

– Уй-жой уни ижарага бериш шартномаси ёхуд ижара шартномасига асосан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга топширилиши мумкин.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа шахсга (ижарага олувчига) уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топширади (ФКнинг 600-моддаси 1-қисми).

Шу сабабли уй-жойни ижарага бериш шартномасига кўра юридик шахсга топшириш мумкин эмас.

Уй-жойни юридик шахсга вақтинчалик эгалик қилиш ёки фойдаланишга топшириш учун у билан ижара шартномасини тузишингиз шарт. Бироқ бу ҳолда ҳам юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фой-

даланиши мумкин (ФКнинг 600-моддаси 2-қисми).

Агар юридик шахс уй-жойдан (унинг бир қисmidан) ўзининг тадбиркорлик фаолиятида¹ фойдаланмоқчи бўлса, аввал турар жойни (унинг бир қисmini) нотурар жой фондига ўтказиш зарур.

Ана шундан кейингина юридик шахс билан бинони, яъни нотурар жойни ижарага бериш шартномасини тузишга ҳақли бўласиз.

Бинони ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузи-

лаёқатсизлик варақаси бўйича тўлов ва бошқа тўловларни ўзлари штатида қайд этилган иш берувчидан оладилар. Сиз эса ўз навбатида шартнома суммасини бевосита ижрочи корхонага (аутсорсерга) тўлайсиз.

Бошқа вариант – ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш¹ (ФКнинг 703-моддаси). Ушбу шартнома бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан хизматни бажариш, буюртмачи эса унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети бир корхонанинг ишчи кучини бошқа корхонага бериш эмас, балки муайян ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) ҳисобланади. Масалан, механизация воситалари билан ишларни бажариш. Ижрочи корхона шартномада белгиланган ишларни ўз кучи (шу жумладан ўз ходимларининг кучи) билан бажариши керак бўлади.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг намунасини «Norma. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги» АҚТ базасида («Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар» – «Ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари» – «Хўжалик-шартномавий муносабатлар» – «Шартномаларнинг намуналари» – «Хизматлар» – «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси») топиш мумкин. Ушбу намунага асосланиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ёхуд аутсорсинг шартномасини² ишлаб чиқишингиз мумкин.

лади (ФКнинг 574-моддаси 1-қисми). Жисмоний ва юридик шахс ўртасидаги бундай шартномани нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди. Агар бундай шартнома бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бўлса, у ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида рўйхатдан ўтказилиши лозим ҳамда рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ФКнинг 574-моддаси 4-қисми). Бинобарин, агар ижара шартномаси бир йилдан кам муддатга тузилган бўлса, уни рўйхатдан ўтказиш керак эмас.

Турар жойни нотурар жойга ўтказиш ҳақидаги қарорни туман (шаҳар) ҳокими қабул қилади (Рўйхатнинг 12-банди, 28.09.2015 й и л д а г и ПҚ-2412-сон қарорга 2-илова).

Уни олиш учун «ягона дарча» марказига² қуйидагича ариза бериш лозим (Низомнинг 4-банди, ВМнинг 14.12.2015 йилдаги 358-сон қарорига 2-илова):

- шахсан келиб;
- почта алоқаси воситасида;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали.

Ариза шакли Низомга 2-иловада келтирилган.

МЧЖ стоматология хизматларини кўрсатади. ИФУТ коди – 86230, кичик бизнес тоифасига киради.

Ўзбекистон ҳудудида норезидентларга кўрсатиладиган стоматология хизматлари хизматлар экспорти ҳисобланадими? Бунда ушбу беморлар билан шартномалар тузиб, улардан валютадаги тўловни терминал орқали қабул қилиш зарурми?

И.Йўлдошева.

Шартномасиз хизматлар кўрсатиш

– Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ишларини (хизматларни) экспорт қилиш ҳисобланади (Солиқ кодексининг 22-моддаси 11-хатбоши; «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси 5-қисми). Экспорт ва импорт контрактлари Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилиши лозим (Низом, ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова).

Сиз кўрсатаётган хизматлар расман хизматлар экспорти тушунчасига мос келади. Бироқ қуйидаги асосларга кўра шартнома тузиш мажбурий эмас деб ҳисоблаймиз:


1) одатда, стоматология хизматларини кўрсатувчи корхона хизматлар нархлари преysкурантини тасдиқлаб, кўринарли жойга илиб қўяди, у оммавий оферта саналади (ФКнинг 426-моддаси). Агар бемор оммавий оферта шартларини қабул қилса ва тегишли хизматлар ҳақини тўласа, бу акцепт деб эътироф этилади (ФКнинг 370-моддаси);

2) тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, озғак шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси 4-қисми). Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоширолдаси билиниб турган ҳолда ҳам озғак битим тузилган ҳисобланади (ФКнинг 106-моддаси). Стоматология хизматлари беморга тарафлар хизматининг муҳим шартлари юзасидан келишувга эришганлари заҳоти кўрсатилади;

3) банк пластик картаси (БПК) воситасида ҳақ тўлаш нақд пулсиз ҳисоб-китобга тенглаштирилади. БПКдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қозғода (спил, электрон терминал квитанцияси) ёки электрон шаклда (банкомат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади (АВ томонидан 3.06.2013 йилда 2465-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 112-банди).

Шу тариқа, сизнинг ҳолатда ёзма шартнома тузишга зарурат йўқ деб ҳисоблаймиз.

Хизматлар ҳақи чет эл валютасида тўланишига келсак, норезидентдан пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича чет эл валютасидаги тўловларни қабул қилишга ҳақлисиз («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 2-қисми).



Агент билан муносабатларни қандай расмийлаштириш мумкин

МЧЖ кабелли телевидение билан шугулланади. Хусусий тадбиркорлар учун абонентлардан маблағ йиғиш ва уларнинг тармоқларига хизмат кўрсатиш – таъмирлаш вазифалари юклатилган дилерлик уюштирмоқчимиз.

МЧЖ хусусий тадбиркорлар учун ушбу вазифаларни юклаган ҳолда дилерликни уюштиришга ҳақлими?

Д.Жабборов.



– Дилерлик шартномаси бўйича бир тараф (дилер) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида иккинчи тарафдан (одатда, дистрибьютор ҳисобланадиган ишлаб чиқарувчидан) товарни сотиб олиш мажбуриятини олади ҳамда шартномада белгиланган ҳудудда уни илгари суради ва реализация қилади. Иккинчи тараф (дистрибьютор) мустақил равишда ёки учинчи шахслар иштирокида ушбу ҳудудда реализация қилиш учун товарни етказиб бермаслик, шу жумладан товарни ушбу ҳудудда тарқатиш учун учинчи шахсларга сотмаслик мажбуриятини олади.

Сизнинг ҳолатга дилерлик эмас, агентлик шартномаси кўпроқ мос келади. У воситачилик шартномасининг шакли бўлиб, топшириқ шартномаси (ФКнинг 817-моддаси) ва воситачилик шартномаси (ФКнинг 832-моддаси) элементларини ўз ичига олади. Агентлик шартномаси бўйича бир тараф (агент) иккинчи тарафнинг (принципал) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ принципал ҳисобидан ёхуд принципал номидан ва ҳисобидан юридик ва бошқа ҳаракатларни ҳақ эвазига амалга ошириш мажбуриятини олади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатишга (абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизмати учун тўловларни қабул қилиш) рухсат берилган (Рўйхатнинг 72-банди, ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова), бироқ уларнинг телекоммуникациялар тармоқларига хизмат кўрсатиши ва таъмирлаши назарда тутилмаган.

Шу тариқа, якка тартибдаги тадбиркор билан фақат тўловларни қабул қилиш қисмида агентлик шартномаси тузишингиз мумкин.

Агентлик шартномасини тузиш юзасидан айрим тавсияларни берамиз.

1. **Шартнома предметини, яъни агент бажарадиган хатти-ҳаракатларни белгиланг.** Масалан, кўрсатилган кабелли телевидение хизматлари учун тўловлар қабул қилиниши.

2. **Агент кимнинг номидан ҳаракат қилишини белгиланг.** Бунда 2 хил вариант қўлланиши: агент бундай хатти-ҳаракатларни сизнинг номингиздан ҳам, ўз номидан ҳам амалга ошириши мумкин. Биринчи ҳолатда агент тузган битим бўйича барча ҳуқуқларга эга бўласиз ва мажбуриятларни зиммангизга olasиз, иккинчи ҳолатда – буларнинг барига агент эга бўлади. Шартномада агент битимларнинг бир қисmini сизнинг номингиздан, бир қисmini эса ўз номидан бажаришини ҳам назарда тутиш мумкин.

3. **Шартнома муддатини кўрсатинг.** Шартнома муайян муддатга ҳам, амал қилиш муддати кўрсатилмасдан ҳам тузилиши мумкин.

4. **Агент амалга оширган хатти-ҳаракатлари учун ҳисобот беришини белгиланг.** Агент амалга оширган барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлади, шу сабабли ушбу ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳақда сизни хабардор қилиши шарт. Агент бу ҳисоботларни қандай тартибда ва қайси муддатларда сизга тақдим этишини мустақил равишда белгилайсиз. Шартномада бундай шартлар бўлмаганда агент шартномани бажаришига қараб ёки унинг амал қилиш муддати тугаганда ҳисоботларни тақдим этади. Одатда, агент сизнинг ҳисобингиздан қилган харажатларнинг зарур исбот-далилларини ҳисоботга илова қилади.

5. **Агентга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартибини белгиланг.**

6. **Ҳуқуқларнинг қандай ҳажми чекланишини белгиланг.** Агентлик шартномаси у ёки бу тарафнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин. Мисол учун, агент шартномада кўрсатилган ҳудудда ижро этилиши керак бўлган, ҳудудга тўлиқ ёки қисман мос келадиган шунга ўхшаш агентлик шартномаларини бошқа ташкилотлар билан тузмаслиги шартини назарда тутишингиз мумкин. Худди шунингдек агент ҳам бошқа агентлар билан шунга ўхшаш шартномаларни тузиш ҳуқуқингизни чеклаши мумкин. Бундай шартлар мажбурий бўлмай, тарафларнинг хоҳишига кўра шартномага киритилиши мумкинлигини қайд этиб ўтамыз.

7. **Ёрдамчи агентлик шартномаси тузилишини назарда тутишингиз мумкин.** Агент шартномада кўрсатилган хатти-ҳаракатларни шахсан ёки бошқа шахс (ёрдамчи агент) орқали амалга ошириши мумкин. Бунда ёрдамчи агент учинчи шахслар билан сизнинг номингиздан битимлар тузишга ҳақли эмас, бошқа шахсга ишониб топшириш ҳоллари бундан мустасно. Агар бундай шартни қабул қила олмасангиз, агент барча хатти-ҳаракатларни, ёрдамчи агент хизматларидан фойдаланмай, шахсан бажариши кераклигини шартномада кўрсатишингиз мумкин.

8. **Агентлик шартномаси бемор қилинадиган ҳолатларни белгиланг.** Масалан:

➤ тарафлардан бирининг но-муайян муддатга тузилган (амал қилиш муддати тугаши кўрсатилмаган) шартномани бажаришдан бош тортиши;

➤ агентнинг вафот этиши, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши;

➤ агент ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг тугатилиши.

Қонунбузарликка йўл қўймасдан харид қилмоқчимиз

ЯСТ тўловчи корхона (фаолият тури – мебель ишлаб чиқариш) ўз ҳисоб-китоб счётидаги маблағни жисмоний шахснинг шахсий пластик картасига ўтказиб, жисмоний шахсдан ёғоч тахта сотиб олимоқчи.

Корхонанинг жисмоний шахсдан ёғоч тахта сотиб олиши ҳуқуққа зид эмасми?

Е.Коровина.

– Ҳа, корхонангиз олди-сотди шартномаси асосида жисмоний шахсдан ёғоч сотиб олиши мумкин (ФКнинг 386-моддаси). Бироқ бундай битимлар бир марталик тусга эга бўлиши керак, акс ҳолда солиқ органлари жисмоний шахснинг хатти-ҳаракатларига ноқонуний тадбиркорлик дея баҳо беришлари мумкин.

Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир (ФКнинг 24-моддаси).

Бироқ бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий мазмундаги битимлар (масалан, уй-жой ёки кўчмас мулкни ижарага бериш, шахсий буюмларни сотиш, пудрат ёки топширик шартномасига кўра, онда-сонда турли майда ишларни ҳақ эвазига бажариш ва ҳ.к.) тузадиган жисмоний шахсларни, ҳаттоки бундай битимлар бир неча марта амалга оширилган тақдирда ҳам, тадбиркорлар деб топиш мумкин эмас.

Шахснинг у ёки бу фаолиятини тадбиркорлик деб топиш учун иккита ҳолат мавжуд бўлиши:

- 1) даромад топишга қаратилган ҳаракатлар системали равишда содир этилиши;
- 2) бундай фаолият асосий, яъни касб фаолияти

ти сифатида амалга оширилиши шарт (Олий суд Пленумининг 11.12.2013 йилдаги 20-сон қарорининг 3-банди).

Шундан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахсдан юқоридаги талабларга риоя этган ҳолда ёғоч сотиб олиш тўғри бўлади.

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир ва у тузилган пайдан бошлаб юридик оқибатларга олиб келмайди. Тарафларнинг ҳар бири бошқасига бундай битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши шарт (ФКнинг 114, 116-моддалари).

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

Асосий воситалар: қўшимча ҳақ тўлаб айирбошлаш

АЖ МЧЖни таъсис этди ва унинг ягона иштирокчиси ҳисобланади. МЧЖ устав фонди АЖнинг мол-мулки (бинонинг бир қисми, автотранспорт, асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар) ҳисобидан шакллантирилган. МЧЖ ва АЖ ушбу мол-мулкни (АВни) бошқасига (у ҳам АВ), агар бошқа мол-мулк – фойдаланишда бўлган (ўзимизда ишлаб чиқарилмаган) дастгоҳлар қиймати орттироқ бўлса, алмаштиришга ҳақлими? Ушбу вазиятда устав фонди миқдорини кўпайтириш ёки бошқача тарзда ўзгартириш ҳақида сўз бормаяпти.

Р.Қосимова.

– Ҳа, бундай қилишга ҳақли.

Тижорат ташкилотлари ўз муассислари (иштирокчилари) ҳисса (бадал) сифатида уларга берган мол-мулкнинг эгалари ҳисобланади.

Шу сабабли шуъба ташкилотнинг устав фондида (УФ) ҳисса сифатида берилган асосий воситалар унинг мулки саналади. Мулкдор эса ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 164 ва 207-моддалари). Асосий воситаларни (бинонинг бир қисми, автотранспорт, асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар) МЧЖ УҒга ҳисса сифатида топширган АЖ энди ушбу мол-мулкни ўз ташаббуси билан олиб қўйишга ҳақли эмас.

Бу ҳолда шуъба ташкилоти мулкдор сифатида хоҳишига кўра ва манфаатларини кўзлаб, ўзига тегишли бўлган асосий воситаларга нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар

қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси 2-қисми). У ўз мол-мулкни бошқа шахсларга мулк қилиб топшириш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва ундан бошқа усуллар билан фойдаланиш, уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли.

Бинобарин, шуъба ташкилоти АЖдан УҒга ҳисса сифатида олинган асосий воситаларни ҳар қандай шахсга, шу жумладан АЖнинг ўзи – ягона иштирокчи бўлган ташкилотга мулк қилиб топшириши мумкин.

Ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини оладиган муносабатлар айирбошлаш шартномаси билан тартибга солинади. Бундай шартномага нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар



(ФКнинг 29-боби) қўлланади, башарти бу ФКнинг «Айирбошлаш» деб номланган 30-боби қоидаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган ҳар қайси тараф товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган тараф товарни сотиб олувчи ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини айирбошлаш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ФКнинг 497-моддаси).

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим (ФКнинг 498-моддаси 2-қисми).

Асосий воситалар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг айирбошланиши

чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 18-банди 2-хатбошиси).

Шуъба ташкилоти айирбошланаётган нарсаларнинг нархидаги фарқни тўлаши бош компания қачонлардир сотиб олган дастгоҳларни (аниқроғи, уларнинг бир қисмини) сотаётганини кўрсатса ҳам, бу ҳолда улгуржи савдо аломатлари йўқ. Сабаби дастгоҳлар қайта сотиш учун харид қилинмаган (бу улгуржи савдога хос) ва асосий воситалар сифатида ҳисобга олинган.

Кўчмас мулк сифатидаги (ФКнинг 83-моддаси 2-қисми) бинонинг бир қисмига (айирбошланаётганлар орасида борлиги эҳтимол) нисбатан ФКнинг 29-боби 7-параграфида назарда тутилган кўчмас мулкни сотиш қоидалари қўлланади. Бундай битимни амалга ошириш чоғида бир қатор шартларга риоя этиш зарур:

– шартнома тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилган бўлиши шарт (ФКнинг 366-моддаси 4-қисми). Ушбу талабга риоя қилмаслик шартноманинг ҳа-

қиқий эмаслигига сабаб бўлади (ФКнинг 480-моддаси);

– кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан унга бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФКнинг 481-моддаси 1-қисми);

– шартномада кўчмас мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим. Унда кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, у тузилмаган ҳисобланади (ФКнинг 485-моддаси 1 ва 2-қисмлари);

– кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши улар имзолайдиган топшириш даволатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади (ФКнинг 486-моддаси 1-қисми);

– ушбу мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб сотиб олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келади (ФКнинг 185-моддаси 2-қисми).

Кўчмас мулкни сотиш (шу жумладан айирбошлаш) шартномасини нотариал тасдиқлаш мажбурияти қонунда назарда тутилмаган. Бироқ у тарафлардан бирининг талаби бўйича амалга оширилиши мумкин (ФКнинг 110-моддаси 2-қисми 2-банди).

Шу тариқа, МЧЖ ва АЖ шуъба ташкилотининг УҒни шакллантириш учун киририлган асосий воситаларни баҳосидаги фарқни қўшимча тўлаган ҳолда бошқа (АЖда АВ сифатида ҳисобга олинмайдиган) мол-мулкка айирбошлашга ҳақли.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маъишӣ техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Ишлаб бермасдан кетмоқчи

Ишдан бўшмоқчи бўлган пенсионер ишдан бўшаши ҳақида ариза ёзиб, 2 ҳафта ишлаб бермаслиги мумкинми?

А.Камолов.

— Ҳа, агар ўз ишини давом эттиришига имкон бермайдиган вазиятлар мавжуд бўлса, мумкин.

Одатда, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартно-

масини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 99-моддаси).

Агар ходим ишдан бўшаши ҳақида огоҳлантирган муддат тугамасдан у билан меҳнат шартномасини бекор қилишни илтимос қилса, иш берувчи ушбу илтимосни доим бажариши мумкин. МКнинг 99-моддаси 5-қисмида

назарда тутилган, ходим ўз ишини давом эттириш имконига эга бўлмаган ҳолларда (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги) иш берувчи шундай қилиши керак. Бунда рўйхат очкилигича қолдирилган. Булар, масалан, тиббий ҳулосага кўра соғлигининг аҳоли муайян ишни бажаришга тўқинлик қилиши, 1 гуруҳ ногирони бўлган оила аъзосига қарши боис ходим ишлай олмайди деган бошқа узрли сабаблар ҳам бўлиши мумкин (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 15-банди).

Шу тариқа, ишлаб бермасдан ишдан бўшаш масаласи ишни давом эттириш имконини бермайдиган сабаблар узрли деб топилишига боғлиқ.

30.06.2017 йилда, жума кuni корхона қайта ташкил этилиши ҳақида мени огоҳлантириб, ўз хоҳишимга кўра (17.07.2017 йил, душанба кунидан) ариза ёзишимни сўрадилар, 1 ой учун пуллик компенсация тўлашни ваъда қилдилар. Бу қонунга тўғри келадими?

Г.Р.

Ишдан бўшайми ёки қисқартиришларини кутайми?

— Иш берувчи ҳатти-ҳаракатлари билан қонун ҳужжатлари талабларини бузмоқда.

Корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Яъни бу ташкилот ходимлари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўла олмайди (МКнинг 98-моддаси).

Бироқ янги мулкдор корхонанинг раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, унинг вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 6-банди). Шунга кўра, юқорида кўрсатилган ходимлардан ташқари ҳар қандай ходим билан МКнинг 100-моддаси 2-қисми 6-бандига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ноқонуний деб топилади (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарорининг 40-банди).

Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши ҳам меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди.

Шу сабабли ходимнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ишни давом эттиришдан бош тортиши унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади, чунки қайта ташкил этиш муносабати билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Шу тариқа, иш берувчининг меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра бекор қилиши сўраб ариза ёзишни талаб этиши қонунга зид. Бунинг учун ходимнинг ҳеч қандай мажбуриятсиз ихтиёрий хоҳиш билдириши зарур.

Шунга қарамай, ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза ёзса ва ишдан

бўшатилса, кейинчалик меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлигини исботлаш қийин бўлади.

Ишдан бўшатилаётган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ҳисоб-китоб қилиниши (МКнинг 110-моддаси) ва фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўлашни шарт (МКнинг 151-моддаси).

Ходимга ишлашда давом этишни ва ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза ёзмай, ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан бекор қилинишини (шундай бўлса, албатта) қутушни тавсия этамиз. Бундай ходимлар ижтимоий жиҳатдан кўпроқ ҳимояланган бўладилар.

Масалан, МКнинг 67, 92, 100–102, 107–110 ва 151-моддалари талабларига мувофиқ, ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилаётган ходимга:

➢ тарафлар ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш (қамида 2 ой олдин) унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин (МКнинг 102-моддаси);

➢ ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 109-моддаси);

➢ меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ҳисоб-китоб қилинади (МКнинг 110-моддаси);

➢ фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади (МКнинг 151-моддаси).

Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, аввалги жойида иш қидириш даврида, давр 2 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида бир ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади (МКнинг 67-моддаси).

Ишга ҳам жойлашди, компенсация ҳам олди

Ходимни штати қисқартирилганлиги ҳақида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантирдик. У 31 июлгача ишлаши керак эди. Бироқ у бошқа иш топиб, қисқартириш муддатидан аввал кетмоқчи.

Иш ҳақи ва фойдаланилмаган таътил учун компенсациядан ташқари унга қандай тўловлар ҳисоблаб ёзилиши керак?

Бошқа иш топишга улгурган бўлса, унга 2 ой учун ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш зарурми?

А.Абдиева.

— Ходимлар штати қисқартирилганда амалга оширилиши зарур ҳатти-ҳаракатлар ва тўловларни сизнинг мисолда кўриб чиқамиз.

Штат қисқариши буйруқ ва янги штат жадалга билан тасдиқланади. У ташкилот ходимларини қисқартириш чора-тадбирларини бошлашдан аввал тасдиқланган бўлиши керак.

Иш берувчи штат қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириш шарт (МКнинг 102-моддаси 1-қисми).

Огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади (МКнинг 102-моддаси 6-қисми).

Ташкилот штати қисқартирилганда иш берувчи ходимга мавжуд бошқа ишни (бўш лавозимни) таклиф этиши шарт.

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 92-моддаси).

Агар огоҳлантириш 2017 йил 1 июнда топширилган бўлса, иш берувчи 2 ойлик муддат тугамасдан (яъни ҳақиқатда ишдан бўшаган кун) ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Бу ҳолда ходим ёзма розилик бериши ва огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган компенсация билан алмаштирилиши шарт. Сўнгра, МКнинг 67, 92, 100–102, 107–110 ва 151-моддалари талабларини бажарган ҳолда, ишдан бўшатилаётган ходимга қуйидагилар тўланади:

➢ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантириш муддати тугагунча қолган вақтга (39 кун учун, 31.07.2017 йилгача) мутаносиб пуллик компенсация (МКнинг 102-моддаси);

➢ ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);

➢ меҳнат шартномаси бекор қилинган кундаги (2017 йил 23 июндаги) иш ҳақининг тўлиқ ҳисоб-китоби (МКнинг 110-моддаси);

➢ фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси).

Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида (яъни 3.07.2017 йилгача) Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, аввалги жойида иш қидириш даврида, бироқ 2 ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида бир ойлик ишдан бўшатиш нафақасини ҳисобга олган ҳолда унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади (меҳнат дафтарчаси тақдим этилганда иккинчи ой учун 22.08.2017 йилдан кейин ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази берган маълумотномага биноан учинчи ой учун 22.09.2017 йилдан кейин тўланади) (МКнинг 67-моддаси).

Абдусалом Рисқуллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Иқтисодий ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛΙΚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул қотиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
Е-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўра бичим – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳои келишилган нархда.
Буюртма 1072. Адади 1 090. Газета 2017 йил 31 июль соат 18.30 дан топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30.

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муросоат қилиш мумкин.